“O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
БАЁНИ

2025 йил 20 февраль **№ 02/2025** **Тошкент шаҳри**

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй жамият биносининг мажлислар зали.

Санаси ва вақти: 20 февраль 2025 йил, соат 10:00.

Йиғилишга раислик қилди:

Ш.Рўзиев – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ходими.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 13 январдаги 342-сонли қарори умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилган.

Шунингдек 2025 йил 4 февралдаги 01/2025-сонли акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан жамият акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кворум йиғилмаганлиги сабабли, унинг кун тартибидаги масалалар ўзгартирилмаган ҳолда 2025 йил 20 феврал кунига кўчирилгани ҳам маълум қилинди.

Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи А.Норбоев сўзга чиқиб, бугунги жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Раёсати ва Котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди ва овозга қўйилди.

Бир овоздан Ш.Рўзиев – умумий йиғилиш раиси, А.Насирдинов ва Э.Қурбонов умумий йиғилиш Раёсати аъзолари ҳамда Б.Валиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

“O‘zagrolizing” АЖ (келгусида – Жамият) акцияларининг умумий сони **154 401 972** донани ташкил этади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг умумий сони **154 381 972** донани ташкил этади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

3. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти эълон қилинган акцияларининг энг юқори миқдорини белгилаш.

4. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Устави янги таҳририни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги ҳисобот ва ахборотлар эшитилди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси Ш.Рўзиев сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 13 январдаги 342-сонли қарорига асосан Саноқ

комиссияси 3 кишидан, яъни Курбанбаев Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ва Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тузишни ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда очиқ овоз бериш йўли билан сўралди.

Мазкур Саноқ комиссияси раиси этиб Д. Курбанбаев сайланганлиги тўғрисидаги 2025 йил 20 февралдаги 1-сонли баённома умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Саноқ комиссияси томонидан умумий йиғилишда жамиятнинг 150 695 850 дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган 1 та акциядори ва унинг вакили қатнашаётганлиги ҳамда жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгалик қилган овозлар умумий сони (154 381 972 дона)нинг 97,61 фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Саноқ комиссиясининг Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, умумий йиғилиш кворуми борлиги тўғрисида 2025 йил 20 февралдаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши очиқ деб эълон қилинди.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси Ш.Рўзиев, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

кун тартибининг барча масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун – ҳар бирига 10 дақиқа;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан тасдиқланиши сўралди.

3. "O'zagrolizing" акциядорлик жамияти эълон қилинган акцияларининг энг юқори миқдорини белгилаш.

Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи А.Норбоев ушбу масала бўйича сўзга чиқиб, қўйидагиларни маълум қилди.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддасида жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкинлиги, қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2025 йил 19 февралдаги ПҚ-67-сонли (ХДФУ) “2025 йил ҳосили пахта хом-ашёсини машиналарда териб олишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан “O‘zagrolizing” АЖ устав капиталини 50,0 млн.АҚШ доллари эквивалентида қўшимча акциялар чиқариш орқали кўпайтириш ҳамда 50,0 млн.АҚШ доллари эквивалентидаги қарздорлик субординар қарз сифатида қайта расмийлаштириш вазифаси топширилганлиги сабабли жамият жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган (қўшимча) акцияларининг энг кўп миқдорини 800 000 000 дона, эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 2 535 сўм бўлган, умумий қиймати 2 028 000 000 000,0 (икки триллион йигирма саккиз миллиард) сўмлик акциялар этиб белгилаш ҳамда жамият Уставига тегишли ўзгартириш киритиш лозимлиги таъкидланди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасида эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилгани таъкидланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамият жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган (қўшимча) акцияларининг энг кўп миқдорини 800 000 000 дона, эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 2 535 сўм бўлган, умумий қиймати 2 028 000 000 000,0 (икки триллион йигирма саккиз миллиард) сўмлик акциялар этиб белгилаш дастлабки тарзда кузатув кенгаши томонидан маъқулланган ва тасдиқлаш учун жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилганини маълум қилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

4. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Устави янги таҳририни тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш раиси Ш.Рўзиев таъкидладики, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннининг 59-моддасига кўра жамият Уставига ўзгартириш киритиш масаласи акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига киритилган.

Йиғилиш раиси сўзида давом этиб, кузатув кенгаши 2025 йил 13 январдаги 342-сонли йиғилиш қарори билан жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳасини маъқуллаб тасдиқлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритилганини билдирди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

Умумий йиғилиш раиси Ш.Рўзиев умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларнинг ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш

натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Саноқ комиссиясига топширишни ва натижаларини сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Саноқ комиссияси раиси Д.Қурбонбоев умумий йиғилишга қўйидагиларни эълон қилди:

Саноқ комиссиясининг 2025 йил 20 февралдаги 3-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 1 дона бюллетен тарқатилди ва 1 дона бюллетен йиғиб олинди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қўйидагича овоз олинди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 150 695 850 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 150 695 850 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. "O'zagrolizing" акциядорлик жамияти эълон қилинган акцияларининг энг юқори миқдорини белгилаш.

Овоз бериш натижалари

Ёқлаганлар – 150 695 850 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ,

бетарафлар – йўқ.

4. "O'zagrolizing" акциядорлик жамияти Устави янги таҳририни тасдиқлаш.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлаганлар – 150 695 850 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Саноқ комиссияси раиси эълон қилган маълумот умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди (Саноқ комиссиясининг баённомалари иловада берилмоқда).

"O'zagrolizing" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Саноқ комиссияси миқдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса Қурбонбоев Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ҳамда Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тасдиқлансин.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши Регламенти тасдиқлансин ва унга мувофиқ:

Кун тартибидаги масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 10 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

Умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа регламент белгилансин.

3. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамиятининг жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган (қўшимча) акцияларининг энг кўп миқдорини 800 000 000 дона, эгасининг номи ёзилган, оддий, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 2 535 сўм бўлган, умумий қиймати 2 028 000 000 000,0 (икки триллион йигирма саккиз миллиард) сўмлик акциялар этиб белгилансин.

4. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Устави янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Умумий йиғилиш Раиси **Ш. Рўзиев**

Котиб **Б. Валиев**

Баён тузилган сана: 2025 йил “ 20 ” февраля